Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 29-yanvar, payshanba, № 14-15 (3520)

Миллат, Ватан, халқ истиқболи деган муқаддас тунушчалар ҳамма вақт қалбимизнинг тўридан жой олиб, ҳар биримизнинг ҳаётимизда, онгимизда чарх уриб туриши даркор.

Ислом КАРИМОВ

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ПИРИ БАДАВЛАТ ОТАХОН

Бухоро шаҳар «Ширбуддин» маҳалласида яшовчи 78 ёшли Субҳиддин Баротов пири бадавлат отахонлардан.

Бугунги тинч ва фаровон замонда фарзанду набиралари ардоғида умргузаронлик қилаётган отахон узоқ йиллар қурилиш соҳасида меҳнат қилиб, юртимиз ободлигига муносиб ҳисса қўшди. Умр йўлдоши Олмос ая билан бир ўғил икки қизни тарбиялаб, вояга етказди. Ўғли Баҳодир ота изидан бориб қурувчиликни танлади, тўнғич қизи Меҳрибон тиббиёт фанлари номзоди, шифокор, кенжаси Муҳаббат — ўқитувчи.

Суратда: Субҳиддин Баротов набираси Абдуқодир билан.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Улуғлар дуоси — эл муддаоси

ЭЗГУЛИКДАН НУРАФШОН ДИЛЛАР

Кексалари эъзозланган юртнинг файзи бўлакча. «Қариси бор уйнинг — париси бор», «Қариялар — хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси» дея бежиз айтишмаган. Нуроний отахон ва онахонлар нафақат оиламиз, балки жамиятимиз кўрки ва файзидир. Уларнинг дуоси билан эл кўкаради, юрт яшнайди, ҳаётий тажрибалари эса ёшларга сабоқ. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 22 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида таъкидланганидек, «Айни пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар — шунга эътибор беринг — 100 ёшдан ошган табаррук қариялар яшамоқда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ниманинг исботи? Бу, аввало, истиқлол даврида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати тобора ортиб бораётганидан, ёши улуғ одамларимиз яхши ният, эртанги кунимизга катта умид билан яшаётганидан, уларнинг қалби софлигидан далолат беради».

Йилимизга Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном берилишида ҳам катта рамзий маъно мужассам. Элнинг оғир юкини, қувонч ва ташвишини умр бўйи елкасида кўтариб келган мўътабар инсонларни рози қилиш, уларнинг дуосини олиш — энг улуғ, энг савобли ишдир. Қолаверса, Ватанимизнинг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий салоҳиятини оширишда фидойилик намунасини кўрсатган қарияларимизни ҳар қанча эъзозласак оздир.

Касаба уюшма ташкилотлари томонидан ҳам бу борада кўплаб хайрли ишларга қўл урилмоқда. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Республика фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси Марказий кенгашининг ҳамкорликдаги фаолияти алоҳида аҳамият касб этаётир. Жумладан, 2014 йили ҳар икки ташкилот ва ҳудудий бўлинмалари томонидан муайян ишлар амалга оширилди.

●○○● ▶2-3

«Шўрчидонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятида 750 нафар ишчи-ходим самарали меҳнат қилмоқда. Уларнинг 250 нафари хотин-қизлар. Аҳил жамоанинг саъй-ҳаракати билан ҳозиргача 100 минг тонна бошоқли дон маҳсулотлари қайта ишланди.

СОФ ФОЙДА — 1 МИЛЛИАРД СЎМ

— Корхонамиз ўтган йили кўрган умумий даромад 35 фоизга ошиб, соф фойда 1 миллиард сўмни ташкил этди, — дейди жамият касаба уюшма қўмитаси раиси Шоира Назарова. — Амалдаги жамоа шартномасига асосан бу маблағ, энг аввало, жамоа аъзоларига қулай меҳнат шароитларини яратиш, моддий манфаатдорликни ошириш, соғломлаштириш ва дам олдириш каби қатор ижтимоий соҳаларга йўналтирилади.

Ютуқлардан руҳланган жамоа айни дамда уч навбатда меҳнат қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни тобора кўпайтирмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ, "Ishonch" мухбири

Сайлов — 2015

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар округ сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Унда мазкур округ сайлов комиссияси раиси Ж.Иноғомов ўтган вақт давомида сайловга тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилган ишлар хусусида маълумот берди.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Жорий йилнинг 29 март куни мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўлиб ўтиши муносабати билан Марказий сайлов комиссияси томонидан Тошкент шаҳри чегараси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 14-Тошкент шаҳар сайлов округи тузилиб, округ сайлов комиссияси ва унинг шахсий таркиби тасдиқланди.

Округ сайлов комиссиясининг иш режаси тузилди. Округ сайлов комиссияси аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг жойлардаги ижросини назорат этиш ва сайлов участкаларига амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида барча туманларга бириктирилди. 14-Тошкент шаҳар округи ҳудудида 653 сайлов участкаси тузилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ва сайлов жараёнини ёритиш бўйича Тошкент шаҳар матбуот маркази ташкил этилди.

Сайловолди тадбирлари билан сайловчиларни кенг хабардор этиш мақсадида сайлов участкаларининг ҳудудий чегаралари, жойлашган манзили тўғрисидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинади.

Мамлакатимизнинг миллий сайлов қонунчилигига биноан округ сайлов комиссияси учун бино ва хоналар ажратилиб, комиссиянинг самарали фаолият юритиши учун зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Брифингда округ сайлов комиссияси аъзолари томонидан журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

Н.УСМОНОВА, ЎзА мухбири



ЎзА суратчи

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси ҳамкорликда "Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда журналистнинг масъулияти" мавзуида давра суҳбати уюштирди. Тадбирда мамлакатимизнинг турли вилоятларида фаолият юритаётган журналистлар, марказий нашрлар вакиллари, депутат ва ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Сўзга чиққанлар мустақиллик йилларида журналистик фаолиятни тартибга солувчи, ОАВ вакиллари фаолияти хавфсизлигини таъминловчи бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлар қабул қилингани, ахборот олиш механизмлари соддалаштирилганини эътироф этиб, ўтган йили қабул қилинган "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлар инсон ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ўрин тутишини таъкидлашди.

— Инсон ҳуқуқларини таъминлашда ОАВ олдида турган асосий вазифа омманинг ҳуқуқий саводхонлик даражасини оширишдир, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Илҳом Абдуллаев. — Бу борада юртимизда кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда ҳуқуқий йўналишдаги нашрлар сони 100 дан зиёдни ташкил қилади. Айнан ҳуқуқ соҳасига ихтисослашган 5 та журнал ва 21 та газета чоп этиб келинаётир.

Тадбир сўнгида Олий Мажлис ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди қўмагида ташкил қилинган "Инсон ҳуқуқлари — журналист нигоҳида" номли танлов ғолиблари тақдирланди.

Улуғбек ИБОДИНОВ, "Ishonch" мухбири

Ўзбекистон касаба уюшмалари фаолиятининг 2015 йилдаги устувор йўналишлари

- ***Касаба уюшмаларига берилган ваколатлар доирасида меҳнатга ва ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш юзасидан тегишли таклифларни тайёрлаш;***
- *Ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмларидан самарали фойдаланган ҳолда корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнаткашлар учун муносиб меҳнат шароитларининг яратилишига эришиш;*
- ***Бандлик дастурларининг амалга оширилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини кучайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;***
- *Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш, ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган ходимларни касаба уюшмаларига кенгроқ жалб этиш;*
- ***Республика, ҳудудлар ва тармоқларнинг ижтимоий дастурлари амалга оширилишига кўмаклашиш орқали аҳоли даромадларининг, турмуш даражасининг оширишга эришиш;***
- *"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилишида фаол иштирок этиш;*
- ***Меҳнаткашлар ўртасида маданий-маърифий ва спорт тадбирларини тизимли равишда ташкил қилиш, туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш;***
- *Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ва бошқа халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни, ҳамкорликдаги лойиҳалар кўламини кенгайтириш;*
- ***Ходимлар, уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ва дам олдиришни ташкил этиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш;***
- *Жамоатчилик билан алоқаларни янада ривожлантириш, барча даражадаги касаба уюшма ташкилотлари фаолиятининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш;*
- ***Федерация Кенгаши, Федерацияга аъзо ва тасарруфдаги ташкилотлар ҳамда ҳудудий бўлинмаларни ягона ахборот майдонига бирлаштириш, интерактив хизматларни ташкил қилиш.***

Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияларида

Аёл — оила офтоби, жамият кўркидир. Аёлини ҳимоялаган жамиятнинг кучқудрати ҳам ўзгача бўлади. Қудратли жамият эса маънан етук оилалардан таркиб топади. Президентимизнинг «Ҳар қандай жамоани, ҳар қандай жамиятни аввало аёллар обод этади», деган сўзлари, айтиш мумкинки, хотин-қизларнинг жамият ва оилада тутган ўрнига берилган энг муносиб баҳодир.

ЖАМИЯТ КЎРКИ

Орзу-мақсадлари юрт келажаги ва равнақи билан муштарак ана шундай фидойи, қуйинчак аёлларимизни қўллаб-қувватлаш зиммамизга катта масъулият юклайди. Комиссиямиз тармоқда фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг жамият ва оиладаги мавқеини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, меҳнат бозоридаги рақобатда улар манфаатини ҳимоялаш, иш берувчининг адолатли муносабатда бўлишини таъминлаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва саломатликларини тиклаш масалаларида фаол қатнашмоқда. Ишловчи аёлларга хавфсиз меҳнат, дам олиш шароитлари яратилиши, меҳнатга муносиб ҳақ тўланиши, қўшимча имтиёзлар берилиши, ҳуқуқий маданиятни ошириш, маданий-маърифий йўналишлардаги тадбирларда иштирок этиш имкониятларининг кенгайтирилишига оид масалалар устидан жамоатчилик назорати ўрнатилгани ҳам ўз самарасини бераётир.

Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўртасида тузилган тармоқ келишувига асосан 2011 йилдан буён Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларининг малака ошириш ўқув дастурига «Касаба уюшмалари тизимида такомиллаштириш жараёнлари», «Касаба уюшмалари билан иш берувчилар ўртасида ижтимоий шериклик тамойиллари», «Меҳнат қонунчилиги, меҳнат муҳофазаси масалалари» каби мавзулар киритилиб, улар бўйича ҳар бир гуруҳ учун семинар ўтказиб келинмоқда. Ўтган йилдан бошлаб ушбу семинарлар «Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармалари мактаби» доирасида бошқарма раҳбарлари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари бош ҳамширалари учун ҳам татбиқ этилди. Шу ўринда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган Конвенциялари алоҳида мавзу сифатида киритилганлигини ҳам таъкидлашни истардим. Яна бир муҳим жиҳат, бу ўқув йил давомида масофавий узлуксиз малака ошириш тизими орқали ташкил этилишидир.

●○○● ▶ 2

2015-yil 29-yanvar, payshanba, № 14-15 (3520), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Тармоқда фаолият юритаётган ходимларнинг 80 фоиздан кўпроғини аёллар ташкил этиши семинарларга ўзига хос шакл-шамойил бағишламоқда. 2013 йилдан ҳозирги кунгача 803 нафар иш берувчи ва раҳбарликка захирага олинган кадрлар, 132 нафар олий маълумотли ва бош ҳамшираларнинг мавзуга оид малакалари оширилди.

Тармоқ хотин-қизлар билан ишлаш комиссиясининг раиси айни вақтда жамоа шартномалари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш раиси сифатида Республика кенгашига 2014 йил давомида тақдим этилган 66 та жамоа шартномалари лойиҳалари экспертизадан ўтказишда қатнашди. Янги тузилаётган жамоа шартномалари лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2013-2016 йилларга тузилган Бош келишув ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2013-2015 йилларга тузилган

ЖАМИЯТ КЎРКИ

тармоқ Келишуви мувофиқлаштирилишига, бунда «Аёллар меҳнатини тартибга солиш, аёллар ва оилавий вазифаларни бажариш билан машғул шахсларга бериладиган қўшимча имтиёз ва кафолатлар» бандида белгиланган имтиёзларнинг киритилишига, Меҳнат кодексининг тегишли моддалари асосида қўшимча кафолатлар, яъни хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги қўшимча имтиёзлар, кафолатлар киритилишига эришилаётганлиги айни муддао бўлмоқда.

Эътироф этиш жоизки, хотин-қизлар ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётганлиги улар қонун доирасидаги ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тобора теранроқ англашида ҳам сезилмоқда. Буни мурожаатлар мазмунидан ҳам билиш мумкин. Республика кенгашига ҳуқуқларини тиклашга оид масалалар юзасидан келган 73 та ёзма мурожаатдан 51 таси аёл ходимларга тегишли бўлиб, ўтган йили иш берувчиларга Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси билан ҳамкорликда киритилган 13 та тақдимномани кўриб чиқиш натижасида 174 нафар аёл ходимга олтмиш тўрт миллион тўрт юз эллик етти минг сўм миқдорида иш ҳақи ундириб берилди.

Жумладан, Сирдарё вилоятидаги Мирзаобод ҚВП ҳамшираси Д.Суюнова ва лаборант Г.Ярбекованинг ишга тиклаш масаласида қилган мурожаатлари ижобий ҳал этилди. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмасининг Янгиобод шифохонаси фелдшер-лаборанти С.Задорожная аризаси юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига киритилган тақдимнома асосида у ҳамда бирлашманинг бошқа ҳамшира, доя ва лаборант вазифаларида ишловчи аёл ходимлари тоифа даражаси учун 43 млн. 785 минг сўм миқдорида қўшимча маблағ ундирилди. Шунингдек, Тошкент 2-болалар жарроҳлик клиник шифохонаси Шошилинч операцион блок ҳамшираси Н.Пўлатованинг мурожаати юзасидан иш берувчига тақдимнома киритилиб, унга икки ярим йиллик муддат учун 1 млн.163 минг сўм миқдорида ойлик маошнинг фарқи тўлаб берилди. Бугунги кунда 23 нафар аёл ходимлар ҳуқуқларини тиклашга оид Шўрчи ва Шовот ТТБга киритилган 2 та тақдимнома талаблари иш берувчилар томонидан бажарилмаганлиги туфайли, ушбу масала юзасидан Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари прокуратуралари ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вилоят бошқармаларига хат юборилди. Шу билан бирга, 19 нафар аёлнинг оғзаки мурожаатларига меҳнат қонунчилиги юзасидан ҳуқуқий маслаҳат берилиб, «Ишонч телефони»га тушган 6 та мурожаат ижобий ҳал қилинди.

ЎзКУФК ташаббуси билан тиббиёт соҳасида фаолият кўрсатаётган хотин-қизларнинг саломатлигини санаторий шароитида тиклаш ҳамда дам олишини таъминлаш мақсадида «Умид гулшани» санаторийсида 4 йилдан буён соғломлаштириш тадбири ўтказилиб келинмоқда. Ҳар йили фертил ёшидаги 50-70 нафар тармоқда фаолият кўрсатаётган аёл бепул соғломлаштирилмоқда. Республика кенгаши томонидан тузилган дастур ижросини таъминлаш Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси томонидан амалга оширилаётир. Аёлларни маданий дам олдириш баробарида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика саломатлик ва тиббий статистика институти, Республика Репродуктив саломатлик маркази мутахассислари иштирокида «Меҳнат ҳуқуқи», «Жамоа шартномаларининг мазмун-моҳияти», «Репродуктив саломатлик» мавзуидаги давра суҳбатлари, семинарлар ҳам ўйлаймизки, ўз самарасини беради.

Ёш мутахассисларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, касбга бўлган ҳурмат, эътиборини юксалтириш, тиббиёт соҳасидаги ислоҳотларни изчил амалга ошириш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда Мустақиллик байрами арафасида «Ҳамшира» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда. Танлов ғолиблари имтиёзли равишда республикамизнинг тиббий олий ўқув юртларида ўқиш имкониятига эга бўлмоқда. Комиссиямиз мазкур танловда аъзо сифатида иштирок этиши белгиланган бўлиб, 2014 йил ҳам 2 нафар ғолиб-ҳамшира ушбу имтиёз соҳибасига айланди.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган «2014-2018 йиллар давомида Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, оналар, ўсмирлар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Давлат дастури бажарилиши бўйича кўпгина ишлар амалга оширилди. Тармоқнинг хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси бўлганлигим учун ишчи гуруҳ аъзоси сифатида мониторингда фаол иштирок этиш менга катта масъулият юклайди.

Фаолиятимиз давомида бир ҳақиқат англашилди. Аёлга эътибор уни жамиятга боғлайди. Меҳнатидан ёлчиган, меҳнати муҳофазаланган аёл ишлаб чарчамайди. Шу боис янги йилда хотин-қизларни ижтимоий ҳимоялаш борасидаги ишларимизни янада жонлантириш иштиёқидамиз. ЎзКУФК томонидан Фридрих Эберт фондининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси иштирокида Самарқанд шаҳрида ташкил этилган «Жамоа шартномалари ва келишувлари доирасида хотин-қизларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Ўзбекистон тажрибаси ва ривожланиш истиқболлари» мавзуидаги халқаро семинар бу борадаги хайрли ишларимиз эътирофи ва айни пайтда янги марраларга даъват бўлганлигини таъкидлашни истардим.

Гўзалхон ТОХТАЕВА,
Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси раиси

УЛУҒЛАР ДУОСИ —

ЎзА сурати

Мамлакатимизда ҳар бир йилга ном берилиши халқимизнинг маънавий қадриятига айланиб улгурди. Хусусан, 2015 йилнинг "Кексаларни эъзозлаш йили" деб аталиши нуронийларга кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир амалий ифодасидир.

ИККИ ДУНЁ САОДАТИ

"Нуроний" жамғармаси Гулистон шаҳар бўлимида фахрийларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар диққатга сазовор. Бунда ҳамкор ташкилот — касаба уюшмаларининг ҳам алоҳида хизмати бор.

Ўтган йили 23 нафар фахрий санаторийларда дам олдирилди, 17 нафар пенсионерга бепул дори-дармон берилди. 167 нафар меҳнат фронти қатнашчиси ҳолидан хабар олинди. Улар Фахрийлар поликлиникаси ва стационарда бепул тиббий кўрикдан ўтиб, керакли муолажалар олиш имкониятига эга. 451 нафар боқувчисини йўқотган уруш қатнашчилари ва кекса фуқароларга 12 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. 160 нафар нуроний зиёратларга олиб борилди.

Биз янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ гулистонлик нуронийларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларни ижтимоий фойдали жараёнга жалб этиш, бўш вақтларини мазмунли ўтказишига кўмаклашиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқдик ва уни бажаришга киришдик.

Нуронийларимиз ўзларига кўрсатилаётган эъзоз ва эҳтиром учун Юртбошимизнинг умрлари узоқ, бошлаган хайрли ишлари бардавом бўлсин, деб дуо қилишаётир. Ҳа, ёши улуғ инсонларга қилинган яхшилик икки дунё саодатига эриштиради.

Қўзибой АБДУЛЛАЕВ,
"Нуроний" жамғармаси Гулистон шаҳар бўлими раиси

Уруш ва меҳнат фахрийларига ғамхўрлик, ҳурмат-эҳтиром кўрсатишда касаба уюшмаларининг фаол иштирокини доимо ҳис қилиб турибмиз. Шу мақсадда уюштирилаётган қатор акция ва тадбирлар биз нуронийларга мамнунлик бағишламоқда.

ШУКРОНА

Касаба уюшмаларининг ҳар бир корхона, ташкилот ва муассасаларда ишчи-ходимлар, талаба-ёшлар иштирокида Ватанимиз озодлигини таъминлашга, обрў-эътиборини юксалтиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга ҳисса қўшган фахрийлар билан учрашувлар, давра суҳбатлари уюштираётгани айни муддао. Энг оммавий жамоат ташкилотининг "Саховат", "Мурувват" уйларида, уруш ва меҳнат фахрийлари пансионатида истиқомат қилаётган қарияларни, ногирон ҳамда ёлғизларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлашга эътибор қаратаётганидан хабардорман.

— Бошланғич касаба уюшма ташкилотимиз етакчиси Баҳодир Юсуповдан миннатдорман, — деган эди бир суҳбатда "Жиззахдон" корхонасининг собиқ ходими, уруш фахрийси, 87 ёшли Шафиқия Гушер. — Ҳар байрамда мени йўқлаб, аҳволимдан бохабар бўлиб туришади...

Урушнинг номи ўчсин, бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиб яшамоқ керак-лигини ҳамиша ёшларга уқтираман. Неваралар қуршовида бахтли умргузаронлик қилаётганимдан Яратганга минг бора шукроналар келтираман.

Вилоятимизда касаба уюшма фаоллари ташкилотчилигида уруш ва меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, байрам совғалари улашиш, буюк алломалар қадамжоларига ҳамда мустақиллик даврида мамлакатимизда бунёд этилган обод манзилларга ташрифларини уюштириш анъана тусини олган. Кексаларни эъзозлаш йилида бундай саховатли тадбирлар кўлами янада кенг бўлиши шубҳасиз.

Ғиёс ҳожи БЕКАМОВ,
Бахмал туманидаги Данғара қишлоғида истиқомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши ногирони

Муҳтарам Юртбошимизнинг ҳар бир асари ва нутқларини жон-дилим билан ўқиб-ўрганишга одатланганман. Уларда илгари сурилган ғоялар, қоида ва хулосалар юрагимда жўшқинлик уйғотади.

САВОБНИНГ УЛУҒИ

Президентимиз ўтган йилнинг кузида Андижонга ташрифи чоғида хонадонларимиз файзи бўлган мўътабар кексаларимизнинг фаровон ва муносиб умр кечиришлари учун кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш ҳақида қимматли таклифларни илгари сурган эди. Бунинг самарасини қисқа фурсатда кўрдик.

2015 йилга «Кексаларни эъзозлаш йили» дея ном берилгани бунинг яққол исботидир. Президентимиз жорий йил учун қабул қилинадиган Давлат дастурининг асосий йўналишларида кекса авлод вакиллари, аввало, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга кўрсатиладиган тиббий, ижтимоий хизмат даражаси ва сифатини ошириш, муҳтожларни ёрдамчи ва реабилитация техник воситалари билан таъминлаш, туманлар ва маҳаллаларда қарияларимиз учун мулоқот марказлари, уларнинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда турли клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароитлар яратиш бўйича аниқ чора-тадбирлар кўзда тутилишини белгилаб берди. Албатта, эътибор ва ғамхўрликдан ниҳоятда мамнунмиз. Бу эътибор Кексаларни эъзозлаш йили бўлганлиги учун эмас, балки мустақилликнинг дастлабки йилларидан буён давлатимиз раҳбарининг диққат-марказида эканлигини ҳар биримиз кўриб, билиб турибмиз.

Бахтимиз шуки, Ўзбекистондек кексалари эъзозланган юртда яшаяпмиз.

Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон, эртанги кунга ишончимиз мустаҳкам.

Таваккал ТОПВОЛДИЕВ,
"Нуроний" жамғармаси Андижон вилояти бўлими раиси

Тўрткўл туманидаги Кўҳна Тўрткўл овул фуқаролар йиғини ҳудудида дунёдаги энг кекса онахон яшайди. Ҳар йили минглаб юртдошларимиз пири бадавлат момонинг дуосини олишади, қўнғироқ қилиб соғлигини сўрашади. Хориждан ҳам хат келиб туради.

«ЯХШИЛАР МЕНИНГ ЁШИМГА ЕТСИН...»

дейди 135 ёшли табаррук онахон Тўти момо Юсупова

«Азиз Тўти Юсупова! Менинг исмим — Павлина Пабест, — деб ёзади Германиянинг Мюнхен шаҳридан 14 ёшли ўқувчи қиз. — Бўш вақтимда теннис ўйнаб, балет дарсига қатнашаман. Мен таҳсил олаётган Санкт Анна мактабининг 8-синфида дастур қабул қилинган. У "Кексалар ва ёшлар" деб номланади. Унга асосан синфимизда ўқиётган ҳар бир ўқувчи дунёда яшаб қизиқарли ҳаёт кечираётган битта инсонни билиши керак. Мен Сизни танладим. Сизнинг ҳаётингизда биз учун қизиқарли ва таассуротли воқеалар кўп бўлганига ишонаман.

Сизнинг яшаш манзилингизни Германия ташқи ишлар вазирлигидан олдим. Менга жавоб хат йўлласангиз, хурсанд бўлардим.

Ҳурмат билан: Павлина Пабест».

Икки йил аввал чевараси Зулпошшонинг уйига меҳмонга борганида Нукус шаҳридаги ўзгаришларни кўриб ҳайратда қолганини Тўти момо ҳануз гапириб ўтиради. Куёви Қуролбой "Матиз"ида шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини роса айлантирган эди. Қишлоқ жойда яшаб умргузаронлик қилган одамнинг сершовқин шаҳарга кўникиши қийин бўлар экан. Ўшанда чевара-эваралари қанчалар парвона бўлмасин, онахон қишлоғини уч-тўрт кундан ортиқ тарк эта олмаслигини ҳис этди. Устига устак момо билан суҳбатлашиб, дуосини олиш истагида хонадонига ташриф буюрувчилар сони кўпайган.

Президентимиз Фармонига биноан 2008 йили Тўти момога "Шуҳрат" медали берилганида чевараси Ҳосилбой Тожибоевнинг уйи тўйхонага айланиб кетганди. Республика Жўқорғи Кенгеси раиси момони Юртбошимиз номидан табриклаб, ҳурмат-эҳтиром кўрсатганди.

— Табаррук онахон билан суҳбатлашиш учун қишлоғимизга уч нафар рус йигити келди, — деди овул фуқаролар йиғини раиси Икром Бекниязов. — Ундан олдинроқ Туркиядан келган олти саёҳатчи шу хонадонда меҳмон бўлган эди.

Наманган вилоятидан бир оила, Амударё туманидан икки оила фарзандлари билан келиб Тўти момони кўриб дуосини олиб кетибди. Шундай дамларда чевара келин Тўхтапошшонинг югуриб-елиб меҳмон кутишдан боши чиқмай қолади. Момо уни дуо қилади.

— Ҳар баҳор ўрик гуллаганида бувижонимизни орқалаб боғимизни сайр эттираман, — дейди Ҳосилбой. — Будон бобомдан қолган тўрт-беш туп ўрик бор. Ўшаларни кўриб, момомизнинг кўнгли таскин топади.

Қариси бор уйнинг париси бор, деганларидек, хонадонга Оллоҳнинг хайр-баракаси тўкилган. Бу ҳам момонинг дуолари шарофатидандир. Оила аъзолари ўтган йили томорқадаги олма, ўрик, шафтоли ва узумдан яхшигина ҳосил олишибди. Бозорбоп ўрикларининг ўзидан уч миллион сўм даромад қилган бўлса, кўчат етиштириш ҳисобидан оила ғазнасига ўн миллион сўм маблағ қўшилибди. Тинч-тотув юртимизда фаровон ҳаёт кечириш учун оилада барча шароит етарли. Беш-олти бош йирик шохли қора молнинг иккитаси кунига 15-18 литргача сут бераяпти. Рўзғордан ортгани бозорга чиқарилаяпти.

— Тинчлик-осойишталик туфайли ҳавас қилса арзигулик ҳаёт кечираяпмиз, — дейди 135-баҳорни қарши олаётган Тўти момо. — Ҳаётимда бундай фаровонликни, ҳурмат-эҳтиромни кўрмаганман. Юртимиз, эл-улусимиз хотиржамлиги йўлида амалга ошираётган саховатли, эзгу ишлари учун Президентимизга каттадан-катта раҳмат айтаман. Тан-жони соғ, умри зиёда бўлиб, менинг ёшимга кириб юрсинлар.

Дилидаги пок ниятларини тилида изҳор этаётган, уч аср юзини кўришга мушарраф бўлган табаррук онахон барча ватандошларимизни дуо қилишдан чарчамайди. Зеро, улуғларимиз дуоси — эл муддаосидир.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири

ЭЗГУЛИКДАН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан «Касаба уюшмалари — фахрийларга» акцияси ташкил этилиб, «Нуроний» жамғармаси тақдим этган рўйхат асосида 3831 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисига касаба уюшмалари томонидан 957 млн. 750 минг сўмлик манзилли моддий ёрдам кўрсатилди. 88 нафар уруш фахрийсига касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга бепул йўлланмалар берилди. Жаҳон стандартлари асосида капитал таъмирланиб, фойдаланишга топширилган тизимдаги санаторийларнинг илк дам олувчилари сифатида меҳнат фахрийларига эҳтиром кўрсатилди. Хусусан, катта қурилиш-таъмирлаш ишларидан сўнг янгича қиёфа касб этган «Турон», «Оқ тош», «Чортоқ», «Чинобод», «Ботаника», «Бўстон», «Зомин», «Косонсой» каби санаторийларда улар учун шарт-шароит яратилиб, ҳар бир фахрийга алоҳида тиббиёт ходимлари бириктирилди. Мазкур сиҳатгоҳларда янгидан барпо этилган маъданли сув галереяси, амфитеатр, фито мажмуа, капитал таъмирдан чиқарилган даволаш мажмуи ва физиотерапия бўлимларида қўли енгил малакали шифокорлар отахону онахонларга беминнат хизмат кўрсатди. Шунингдек, Янги йил, Наврўз ва Мустақиллик байрамларида кексалар, уруш ва меҳнат фахрийларига совғалар улашилди, моддий ва маънавий рағбатлантирилди.

Президентимизнинг «2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш борасида касаба уюшмалари ва иш берувчилар томонидан 22 887 нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга 1 млрд. 915,8 млн. сўмлик турли кўринишдаги ижтимоий ёрдам чоралари кўрилди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишлар касаба уюшмалари фаолиятининг устувор вазифалари сифатида белгилаб олиниб, ижтимоий ҳимояталаб ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш билан бир қаторда, уларнинг жамият ҳаётига интеграциялашуви таъминланмоқда.

«Ҳар бир инсон меҳр-эътибор оғушида» чора-тадбирлар мажмуи доирасида уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, дори-дармонлар билан таъминлаш, коммунал хизматлар харажатларини қоплаш, уй-жойларини таъмирлаш, соғломлаштириш, парваришлаш, саёҳатлар уюштириш каби тадбирларга кенг ўрин берилаётир. Касаба уюшмалари томонидан уруш ва меҳнат фахрийларидан 298 нафарининг тарихий шаҳарларга, буюк алломалар қадамжоларига, мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларига зиёратлари ташкил этилди. Хусусан, 25 нафар фахрий «Афросиёб» поездида Самарқанд шаҳрига саёҳатга борди.

Жамоа шартномалари орқали иж-

2015-yil 29-yanvar, payshanba, № 14-15 (3520), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ЭЛ МУДДАОСИ

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони юртимизда бу борада амалга оширилаётган хайрли ишларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу фармонда фахрийларни ижтимоий ҳимоялаш кучайтирилиб, хусусан, уларга йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволаниш имкони яратилди.

НУРОНИЙЛАР АРДОҚДА

Фахрийларимизни соғломлаштириш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши тизимидаги санаторийларда ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Санаторийлар моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, фахрийларга қулай шарт-шароитлар яратиш, хизмат кўрсатиш даражасини янада ошириш чоралари кўрилди. Пойтахтимиздаги жойлашган «Чинобод санаторийси» АЖда ҳам замонавий талабларга жавоб берадиган алоҳида даволаш ва ётоқ бинолари барпо этилиб, кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати ва самарадорлиги оширилди.

— Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари бўлимидаги ҳар бир хона замонавий қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланиб, қўшимча ёруғлик мосламалари, тўғридан-тўғри навбатчи шифокор билан боғлайдиган алоқа тугмачаси (қўнғироқ, телефон) ўрнатилди, — дейди санаторий бошқаруви раиси Махсуда Мадаминова. — 4 та ногиронлик аравачаси ажратилди. Даволаш, ётоқ ва ошхона бўлимларида ногиронлик аравасининг ҳаракати учун қўшимча қулай йўлакчалар, шу билан бирга, барча санитария талабларига жавоб берувчи муолажа хонаси ташкил этилди.

Шунингдек, фахрийларга тиббий хизмат кўрсатиш кўлами кенгайтирилиб, қабулхонамизда уларни навбатсиз қабул қилиш учун алоҳида малакали шифокор ва ҳамширалардан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилиб, тезкор тиббий кўрик, қўшимча текширувлардан ўтказиш чоралари кўриб қўйилди. Бундан ташқари, олий тоифали шифокоримиз Гулноза Муҳаммадиева қарияларни парваришлаш, 2 нафар ҳамширамиз кексаларга мос тиббий хизмат кўрсатиш курсларида ўқиб, сертификат олди.

Санаторийда фахрийларни соғломлаштириш, тўғри овқатлантириш масалалари ва психологик муолажаларни ўз ичига олган дастур асосида иш олиб борилади.

— Сиҳатгоҳимизда фахрийлар учун маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш бўйича алоҳида дастур тузганмиз, — дейди санаторий маънавият ва маърифат кенгаши масъул котиби Абдуваҳоб Тожиев. — Унга мувофиқ, санъаткорлар билан учрашувлар ва концерт дастурлари, турли интеллектуал ўйин ва машғулотлар, беллашувлар, давра суҳбатлари, рақс терапия, рассомчилик машғулотлари, саёҳатлар уюштириш кўзда тутилган.

Санаторийда шундай муҳит яратилганки, нуронийларимиз ўзларини уйидагидек эркин ҳис қилишмоқда.

— Юртимизда кексаларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан биз нуронийлар беҳад қувонамиз, — дейди 79 ёшли, Самарқанд вилояти Пойариқ туманидан келган Ўғилой Эргашева. — 14 йилдан бери шу санаторийда даволаниб, саломатлигимни тиклайман. Чунки, бу ердаги даволаш усуллари, хизмат кўрсатиш сифати ва маданияти менга жуда маъқул. Бу йил санаторийда нуронийларга эътибор янада ошганининг гувоҳи бўлдим. Энг шинам хоналар ажратилган, энг яхши мутахассислар хизматимизда.

Ўғилой момонинг сўзларига санаторийда саломатлигини тиклаётган 76 ёшли Василий Ким (Бектемир тумани), 75 ёшли Солия Бобожонова (Элликқалъа тумани), 70 ёшли Гулиравза Эрбўтаева (Янгиер шаҳри), 68 ёшли Холмирза Назаров (Косон тумани) каби нуронийлар ҳам қўшилиб, эл-юртга тинчлик, фаровонлик тиладилар.

Ўз мухбиримиз

Юртимизда кексалар ғамхўрлик остида. Бугун улар имтиёзли тиббий хизматдан фойдаланиш, санаторийларда дам олиш имкониятларига эга. Қолаверса, ажратилаётган пенсиялар ҳажми муттасил равишда ошириб борилмоқда.

МЕҲРДАН МЕҲР УНАДИ

Мен ўзим узоқ йиллар касаба уюшмалари тизимида фаолият кўрсатдим. Ҳозир пенсиядаман. Шогирдларим, ҳамкасбларим кунда-кунора йўқлаб келишади. Бундан кўнглим тоғдай кўтарилади. Ўзимни ёш, серғайрат ҳис қиламан. Улардан кўмагимни, маслаҳатимни аямайман.

Биз кексалар ҳам нафақадамиз, дея уйда оёқ чўзиб ўтирганимиз йўқ. Вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги фахрийлар кенгаши аъзосиман. Кенгашимиз билан ҳамкорликда мактабларда тез-тез уч авлод учрашувлари уюштирамиз. Бундай учрашувлар ёшларнинг баркамол бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этади. Ёши улуғ устозлар ўз ҳаёт йўлларини, қандай шароитларда ишлаганини ёшларга ҳикоя қилиб беришади. Бугунги имкониятлардан унумли фойдаланиш лозимлигини таъкидлашади. Ўз тажрибаларимизни ўртоқлашиш орқали таълим-тарбия ишига ҳисса қўшаётганимиздан хурсандмиз.

Қолаверса, кенгашимиз томонидан ҳар йили меҳнат фахрийларини мамлакатимизнинг тарихий жойлари ва истиқлол иншоотлари билан таништириш мақсадида саёҳатлар ташкил этиш анъанага айланган. Мамлакатимиз бўйлаб уюштирилаётган ушбу саёҳатларда нафақат аждодларимиз закосига, балки бугун амалга оширилаётган улкан бунёдкорликларга ҳам тан бериб, унинг меъморига таҳсинлар айтамиз.

Умуман, бугун юксалишлар, янгиланишлар барча соҳаларни қамраб олган. Бунинг натижасида турмуш қулайликлари ниҳоятда кенгайган. Айниқса, ёшларимизнинг билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун яратилган шароитларга нафақат биз кексаларнинг, балки дунё аҳлининг ҳаваси келади.

Ёши улуғ инсонлар юрт тинчлиги, турмуш фаровонлигини тилаб, дуога қўл очадилар. Ёшларимизни яхши ва эзгу амалларга ундаб, ёмон ишлардан тийилишга даъват қилади. Буларнинг барчаси эртанги кунимизнинг янада фараҳбахш бўлишидан даракдир.

Каримбой СОБИРОВ,
«Эҳтиром нишони» соҳиби,
касаба уюшмаси фахрийси

Кексаларни эъзозлаш... Биз панд-насиҳатларимиз орқали фарзандларимизни тўғри ҳаёт кечиришга, меҳнатсеварлик, сабр-бардош, диёнат, андиша сингари фазилатларга эга бўлишга ундаймиз.

ЭҲТИРОМ УЧУН ТАШАККУР

Президентимизнинг Ўзбекистон Конституциясининг 22 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантанали маросимдаги маърузасида «Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуғ одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак янгилишмаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган» деган сўзлари замирида ўзбек оиласидаги қадриятларнинг асрларга татигулик фазилатлари ўз аксини топган.

2015 йилни «Кексаларни эъзозлаш йили» дея номлаш таклифи билдирилганда рафиқам иккимиз ҳам телевизор қаршисида туриб, қарсак чалиб юборганимизни билмай қолибмиз. Бу аслида, қалбимиздаги севинч ифодаси эди.

Ёшим 64 да. 40 йилдан бери болалар шифокориман. 1976 йили Ўрта Осиё педиатрия институтини тугатиб, Денов туманида интернатура ўтадим. Кейинги шифокорлик фаолиятим Қизириқ тумани билан боғланиб кетди. Рафиқам эса узоқ йиллар Кунчиқиш маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Гулдаста» мактабгача таълим муассасасида ишлаб нафақага чиқди. Болажон аёл. У билан 5 фарзандни тарбиялаб камолга етказдик. Барчаси олий маълумотли бўлиб, танлаган соҳаларида самарали фаолият юритиб келишмоқда.

Ҳамкасбларим Хўжамқул Ашуров, Чори Турдиев билан бир сафда туриб меҳнат қилиб, ёшларга ўрнак бўлаётирмиз.

Энг муҳими, Президентимиз биз кекса авлод вакилларининг дилидаги орзуларини рўёбга чиқарди. Бундай эътибордан руҳланиб, янада шижоат билан эл-юрт саломатлиги, фарзандларимиз камоли йўлида сидқидилдан ишлаймиз.

У.НОРМАМАТОВ,
Қизириқ тумани

НУРАФШОН ДИЛЛАР

тимоий ҳимояталаб пенсионер ва ногиронларнинг коммунал-маиший хизматлар тўловларини қоплаб бериш ишлари амалга оширилмоқда. Тармоқ касаба уюшмалари томонидан тизимда кўп йиллар ишлаб нафақага чиққан ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг ҳолидан хабар олинаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш борасида уруш ва меҳнат фронти қатнашчилари соғломлаштирилиши белгиланаётган касаба уюшмалари тизимидаги санаторийлар рўйхати аниқланди ва амалий ишлар бошлаб юборилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат қилувчи ишчи-ходимлар, талаба-ёшлар ўртасида кекса отахон ва онахонлар, меҳнат фахрийлари иштирокида 24 800 дан зиёд маданий-маърифий тадбир, учрашув, давра суҳбатлари, «Хотира чироғи ўчмайди», «Мустақиллик йилларида эришган энг катта бойлигимиз — халқимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, жамиятимиздаги ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва бағрикенглик» мавзуида Маънавият соатлари ташкил этилди.

Икки нуфузли ташкилотнинг ҳамкорлик алоқалари жорий йилда янада юқори босқичга кўтарилади.

Қўшма тадбирлар режасига асосан, меҳнат жамоаларида уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида ёш авлоднинг маънавий ва ахлоқий тарбиясига кўмаклашиш, уларда миллий ғурур ва ўзликни англаш ҳиссини шакллантириш мақсадида «Сиз доим эъзоздасиз», «Қариси бор уйнинг париси бор» мавзуларида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ва учрашувлар ташкил этилади. Корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат фахрийлари ўртасида спорт мусобақалари ўтказилади. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг барчасига манзилли моддий ёрдам кўрсатилади.

Уруш ва меҳнат фронти иштирокчилари яшаётган эҳтиёжманд оилалардан 2 минг нафарига электр-маиший техника товарлари, ҳар бир ҳудуддан 10 нафардан жами 140 нафар кекса ва ногиронлар учун ёрдамчи ва техник реабилитация воситалари олиб берилади. Шунингдек, 2500 нафар ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадида касаба уюшмаларининг ижтимоий кўмак чоралари амалга оширилиб, озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармонлар олиб берилади ва яшаш жойларини таъмирлашда, коммунал тўловларни тўлашда ёрдам берилади. 14 та «Саховат» кексалар ва ногиронлар учун интернат уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатилади.

Президентимиз фармонига асосан, жорий йилда ҳам касаба уюшмалари томонидан уруш ва меҳнат фронти қатнашчиларининг санаторийларда белгиланган тартибда соғломлаштирилишини ташкил этиш, кексаларимиз учун республикамизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этиш ҳамда турли байрамларда фахрийларнинг театр, концерт ва бошқа маданий тадбирларга ташрифини уюштириш каби ишларга алоҳида эътибор назарда тутилган.

Бундай ғамхўрликлардан баҳраманд бўлаётган нуронийларимиз ҳамиша озодликни алқаб, тинч-осойишта кунларга шукрона келтириб, дуога қўл очадилар.

Амина ҚОДИРОВА,
“Ishonch” мухбири

Касаба уюшмалари — ҲУДУДАЛАРДА

Ўзбекистон Бадиий академияси ҳамда Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида 2014-2016 йиллар учун тармоқ келишуви имзоланган бўлиб, мазкур ҳужжатда Меҳнат кодекси талабларига мувофиқ меҳнатга оид муносабатлар жамоа шартномаси орқали тартибга солиниши белгилаб қўйилган. Лекин ҳамма ташкилотларда жамоа шартномаси ҳамда меҳнат шартномасининг мувофиқлиги иш берувчи томонидан бирдек таъминланаётир, деб бўлмайди.

ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ

Айнан шу ҳолатни бартараф этиш мақсадида пойтахтимиздаги Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида «Меҳнат қонунчилиги — жамоатчилик назоратида» мавзусида семинар ташкил этилди.

Тадбирни Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов кириш сўзи билан очиб, ҳар бир ташкилот ҳамда муассасада қонун устуворлигини таъминлаш, касаба уюшма аъзоларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бугунги кундаги асосий вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлади. Шундан сўнг тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши мутахассислари Меҳнат қонунчилиги оғишмай бажарилиши учун амалга оширилиши зарур бўлган омиллар ҳақида сўз юритишди.

Неъмат РАФИҚОВ,
“Ishonch” мухбири

***

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси масъул ходимлари ҳамда тармоқ касаба уюшма масъул ташкилотчилари ҳамкорлигида туман ва шаҳарларда бошланғич ташкилотлар раислари учун ўқув-семинарлар ташкил қилинди.

ЕТАКЧИЛАР УЧУН

Уларда иштирокчилар касаба уюшма ташкилотларида бўлиб ўтадиган ҳисобот-сайлов йиғилишларига жиддий тайёргарлик кўриш ва ўтказиш ишларига фаолларни кенг жалб этиб, йиғилишни амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва юқори касаба уюшма органлари қарорларига риоя этган ҳолда ўтказиш ҳамда ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштириш тўғрисида бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Қаршибой Эшназаров, бирлашма кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Б.Ҳайдаров ва бошқаларнинг маърузаларини тингладилар. Бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раисларига ҳисобот-сайлов йиғилишини ўтказиш учун керакли қўлланмалар тарқатилди.

Ўз мухбиримиз

***

Жорий йилда республикамиз касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтади.

ФАОЛИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

Шу жиҳатдан касаба уюшмалари ушбу жараёнга Устав талаблари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ташкилотларда ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисидаги Низомга асосан тайёргарлик кўриши, юқори органлар қуйи бўғинларга бу масалада ҳам амалий, ҳам назарий ёрдам бериши керак.

Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳам бу борада фаол иш бошлади. Жумладан, бошланғич ташкилотлар учун ҳисобот-сайловларни тўғри ўтказиш борасида услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, жойларга етказилди. Ҳозирда жадвал асосида туман, шаҳарларда барча бошланғич ташкилотларни қамраган ҳолда ўқув-семинарлар ўтказилмоқда. Бугунгача шундай машғулотларда 500 дан ортиқ касаба уюшма ташкилоти раислари иштирок этишди.

Шухрат ХАЛИЛОВ,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

***

Бу йил барча бўғин касаба уюшмаларида ҳисобот-сайлов йиғилишлари, конференция ва Қурултойлар ўтказилиб, фаолият таҳлил қилинади. Шунингдек, яқин келажакка мўлжалланган устувор вазифалар белгиланади.

ТОКИ, ЮЗ ЁРУҒ БЎЛСИН!

Вилоятимизда мазкур жараённинг холис ва намунали ўтказилиши учун жиддий тайёргарлик олиб борилди. Жумладан, ҳисобот-сайлов йиғилишларини амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва юқори касаба уюшма органлари қарорларига биноан ўтказиш, унга ташкилотлар фаолларини ҳам кенг жалб этиш, йиғилиш ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиришга эришиш бўйича ҳар бир ҳудудда тармоқ касаба уюшма кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар учун ўқув-семинарлар уюштирилди. Ўқув-семинарлар иштирокчиларга тушунарли ва қулай бўлиши учун у ёки бу бошланғич ташкилот мисолида намунали ташкил этилмоқда.

Бундай амалиёт, жумладан, Мингбулоқ туманидаги Мелиорация ва қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида, Чортоқ туманидаги 14-мусиқа мактабида, Норин туманидаги қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида қўлланилиб, ижобий тажриба сифатида қизғин қўллаб-қувватланди.

Насиба ҒАФФОРОВА,
Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири

***

Бухоро вилоятида ҳисобот-сайлов йиғилишларини ўтказишга оид ўқув-семинарлар белгиланган жадвал асосида ташкил этилди. Уларга бошланғич ташкилотлар фаоллари, туман ва шаҳар кенгаши аъзолари жалб этилиб, дастурда белгиланган мавзулар бўйича маруза матни ва слайдлар тайёрланди. Бошланғич касаба уюшмалари фаолиятида фойдаланиш учун қўлланмалар тайёрланиб, тарқатилди.

ЖАДВАЛ АСОСИДА

Жумладан, вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида Бухоро шаҳрида жойлашган бошланғич ташкилотлар иштирокида ўқув-семинар ташкил қилинди. Унда бирлашма кенгаши ташкилий ишлар бўлими мудири Ҳ.Бешимов бошланғич касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида фаолиятнинг асосий йўналишлари ҳақида слайдлар намойиши орқали маруза қилди. Касаба уюшма аъзолиги афзалликларини тарғиб этишнинг ҳуқуқий асоси ва услублари тўғрисида бирлашма кенгаши юридик бўлими мудири И.Тошов ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Семинар якунида касаба уюшма фаоллари томонидан берилган саволларга жавоблар берилди.

Лобар БАРАКАЕВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташкилий ишлар бўлими етакчи мутахассиси

2015-yil 29-yanvar, payshanba, № 14-15 (3520), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

САВОЛ: *Ўрта махсус маълумотли ўқитувчиларга нима сабабдан малака тоифаси берилмайди? Ўрта махсус маълумотли ўқитувчининг кўп йиллик меҳнати, эришган ютуқлари бўлсада устама иш ҳақи олишга ҳақи йўқми?*

С. ПОЛВОНОВА,
Қарши шаҳри

ЖАВОБ: Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 275-сонли қарори билан тасдиқланган "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисида"ги Низомнинг 4-бандида халқ таълими ходимларининг касбий ўсишини рағбатлантиришда малака тоифалари ва ушбу малака тоифаларини олиш учун ходимларнинг маълумот даражасига қўйилган асосий талаблар кўрсатилади. Унга кўра, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумотлиларнинг ўрта махсус, касбий (педагогик ёки бажарилаётган лавозим вазифаларига мувофиқ бўлган) маълумотга эга бўлган, тоифаси бўлган ходимлар таркибига кириши белгиланган.

Шунингдек, Низомнинг 9-бандига кўра барча тип ва номдаги умумтаълим мактабларининг ўз касбига содиқ ўқитувчиларини моддий рағбатлантириш ҳамда юксак касбий ва ҳалол меҳнатини рағбатлантириш, ташаббускорлиги ва касб маҳоратини ўстириш мақсадида умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармасидан тўланадиган қуйидаги ойлик устамалари белгиланган:

Ўқувчилар билан тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар олиб борилишининг юксак даражаси учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 15 фоизигача миқдорда, касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, юқори самарадорлик ва ўқитиш сифати учун тегишли малака тоифасига эга бўлган ўқитувчи базавий тариф ставкасининг 25 фоизигача миқдорда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 275-сон қарори билан тасдиқланган "Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида"ги Низомнинг 16-бандида ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига ҳар ойлик устамалар:

тарбиявий жараён амалга оширилишининг сифати ва самарадорлигига, синфдан ташқари ишларга ҳамда ўқувчиларни инсонпарварлик ва меҳр-шафқат руҳида тарбиялашга қўшилган аниқ шахсий ҳиссага қараб ўқитувчилар томонидан олиб бориладиган тарбиявий ва синфдан ташқари ишлар учун 15 фоизгача миқдорда;

ўқувчиларни тест синовидан ўтказиш натижалари бўйича аниқланадиган, тегишли синфлар ва ўқув предметлари учун тасдиқланган Давлат таълим стандартларида назарда тутилган билимлар ва кўникмалар тўлиқ ҳажмининг ўқувчилар томонидан ўзлаштириб олиниши даражасига қараб касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, ўқитишнинг юқори самарадорлиги ва сифати учун 25 фоизгача миқдорда белгиланиши кўрсатиб ўтилган.

Касб маҳорати ва ўқув жараёнига қўшилган аниқ ҳисса, ўқитишнинг юқори самарадорлиги ва сифати учун бошланғич синфлар ўқитувчиларига ҳар ойлик устама синф ишининг муайян кўрсаткичларига эришилган тақдирда, фанлар ўқитувчиларига эса — ўқитиладиган фанлар бўйича муайян кўрсаткичларга эришилган тақдирда белгиланади.

Шунингдек, Низомнинг 17-бандига кўра ўқитувчиларнинг базавий тариф ставкаларига Директор жамғармаси маблағларидан устамаларнинг миқдорлари умумтаълим мактаблари ҳузуридаги махсус комиссиялар тўғрисидаги Низомда қуйидаги асосий мезонлар:

тарбиявий ва синфдан ташқари ишларнинг самарадорлиги ва сифати;

касб маҳорати ва таълим жараёнига қўшилган шахсий ҳисса, таълимнинг юқори самарадорлиги ва сифати;

синфга раҳбарлик қилиш самарадорлиги;

умумтаълим муассасасини ривожлантиришга қўшилган ҳисса;

билимни мунтазам такомиллаштириб бориш, касб маҳоратини ва малакасини ўстириш;

умумтаълим муассасасининг ижтимоий ҳаётида қатнашиш;

ўқувчилар билими, маҳорати ва кўникмаларининг умумий ўрта таълим давлат стандартларига мувофиқлиги даражаси;

ўқувчилар билимидаги нуқсонларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ишларининг самарадорлиги ва педагогик жиҳатдан мақсадга мувофиқлиги;

ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг қобилиятларини аниқлаш ва ўстиришга йўналтирилган ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш;

баҳолашнинг тест синови ва рейтинг методлари натижаларига қараб аниқланадиган билимларнинг дастурга мувофиқ барқарор ўзлаштирилишини ҳамда ўқитишнинг яхши сифатини таъминловчи педагогик ишларнинг юқори самарадорлиги, шунингдек, иқтидорли ва истеъдодли ўқувчилар билан якка тартибда ишлашни ташкил этиш;

ўқитувчи томонидан илғор методлар ва педагогик технологиялар муваффақиятли қўлланилиши, ўқув-тарбиявий ишларнинг замонавий шаклларини жорий этиш асосида белгиланиши кўрсатилган.

Саволга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши бош юристконсулти Д.МУХАМЕДАЛИЕВА жавоб берди

САВОЛ: *1981-84 йилларда Афғонистондаги урушда иштирок этдим. Хизмат даврида яраланмаганман, контузияга учрамаганман. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарорида белгилаб қўйилган имтиёзларга кўра охирги иш жойидан қатъи назар умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсияга чиқа оламанми?*

К. ЮСУПОВ,
Гурлан тумани

ЖАВОБ: "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси "а" бандига мувофиқ, умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига уруш ногиронлари ва уларга тенглаштирилган шахслар эга.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сон Қарори билан тасдиқланган "Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 2-иловасига мувофиқ эса, 1941 йил 22 июндан 1945 йил 9 майгача Иккинчи жаҳон уруши (кейинги ўринларда Иккинчи жаҳон уруши деб аталади) ва бошқа урушлар даврида ҳаракатдаги армия таркибидаги ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда хизматни ўтаган, шунингдек, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилишда яраланиш, контузия олиш, майибланиш ёки касалланиш натижасида ногирон бўлиб қолган ҳарбий хизматчилар "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси "а" бандида ва 28-моддасининг "а" ва "б" бандларида назарда тутилган шартлар ва нормаларга кўра пенсия билан таъминланишга ҳақли уруш ногиронлари ҳисобланади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, сиз умумий белгиланган ёш 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга эмассиз.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида"ги 249-сонли қарори Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги 252-сонли Қарорига мувофиқ кучини йўқотган.

Д. АБДУҚОДИРОВ,
ЎзКУФК юридик бўлими бош юристконсулти

Касаба уюшма ёрдам берди

Самарқандлик Аббос Турсунқулов ўзи фаолият кўрсатаётган ташкилот маъмуриятидан меҳнат таътилига чиқишга рухсат сўради, бироқ унга ишдан бўшаганлик тўғрисидаги буйруқни тутқазишди. Бундан норози бўлган фуқаро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ

Касаба уюшма ҳуқуқшуносларининг шикоятни ўрганиб чиқиб, маъмурият томонидан қонунбузарликка йўл қўйилганини аниқлашди. Бирлашма кенгаши вақтинчалик мазкур жамиятга раислик қилаётган Эркин Бабаёровга хат билан мурожаат қилиб, қонун бузилишига барҳам беришни сўради. Аммо ундан ишга тиклаш ва мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақларини тўлаб беришга ваколати етмаслиги тўғрисида жавоб олинди. Натижада, судга даъво аризаси киритишга тўғри келди.

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суди Аббос Турсунқуловни илгари ишлаб келган Пайариқ дон қабул қилиш манзилгоҳи мудири вазифасига тиклаш ҳақида қарор чиқарди. Мажбуран бекор юрган кунлари учун тўлов ундириладиган бўлди. Кўпчиликда адолат қарор топибдику, бонг уришга ҳожат бормикан, деган фикр туғилиши мумкин. Гап шундаки, акциядорлик жамияти ходим тақдирини ҳал этаётганда лоақал бошланғич касаба уюшма ташкилотига маслаҳат солганида бундай оворагарчилик бўлмасди.

Бирлашма кенгаши юридик бўлими томонидан ўтган йилнинг кейинги олти ойида ишга тиклаш, ноқонуний ишдан бўшатилганлик, меҳнат дафтарчаларини юритишдаги нуқсонларни ҳал этиш ҳамда товон пулларини ундиришга доир 143 та ёзма, 97 та оғзаки мурожаатлар ҳал этилди. Кўриниб турибдики, мутасадди раҳбарлар ўзларининг бу борадаги билимларини ошириш юзасидан кўпроқ изланишлари лозим. Қонунга зид ҳар бир хатти-ҳаракат кимнингдир манфаатига зарар етказади. Бунинг олдини олиш учун кўпроқ ўқиш, изланиш даркор. Бўлим режасига мувофиқ ташкилот ва корхоналарда ҳуқуқий мавзудаги ўқув ва мулоқотларни муттасил амалга ошириб келаяпмиз.

Жорий йилда ҳам ўқув-семинарлари, меҳнат жамоаларида "Сиз қонунни биласизми?" мавзуида мулоқотлар, ишловчи аёлларга белгиланган имтиёзларни амалиётда қўллашга доир учрашувларни режалаштирганмиз. Ўйлайманки, ҳуқуқий мавзудаги тадбирларимиз келажакда ўз мевасини беради.

Азамат БОЛИБОЕВ,
Самарқанд вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши етакчи юристконсулти

РАҒБАТ МЕВАСИ

Чиноз туманилик Улуғбек Ражабов ўз бизнесини бундан беш-олти йил илгари олти киши билан бошлаб, яхна ичимликлар ишлаб чиқарадиган цех ташкил этганди. Юртимизда тадбиркорларга яратиб берилаётган қулайлик ва имтиёзлар туфайли ҳозирга келиб, цех давлатимизнинг эътибор ва рағбати меваси бўлган "Ниагара-ботлерс" деб номланган йирик корхонага айланди.

Бу ўз-ўзидан бўлмади, албатта. Банкдан олинган кетма-кет кредитлар эвазига корхона кенгайтирилиб, ишлаб чиқариш корпуслари сони оширилди. Хориждан энг илғор технологик линиялар олиб келинди. Натижада, иш бошлаганда 4-5 хил ичимлик тайёрланган бўлса, ҳозирда уларнинг сони 20 хилдан зиёдни ташкил этмоқда.

"Ishonch" фотомухбири Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 15.07.2014 йилдаги 192-сонли қарорига асосан«MURUVVAT-TEKS» масъулияти чекланган жамияти ҳамда «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамияти мулкнинг бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 30 январ соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй манзилида ташкил қилинадиган савдоларга «MURUVVAT-TEKS» масъулияти чекланган жамиятининг 13.01.2015 йилдаги 7А-сонли буюртмасига асосан Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур тумани, Истироҳат кўчаси 258-уй манзилида жойлашган ер участкасининг умумий майдони 10 826,0 кв.метр, қурилиш майдони 7 013,0 кв.метрдан иборат қурилиши тугалланмаган тикувчилик цехи бино ва иншоотлари мужассам ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич нархи: 20 000 000 000 (Йигирма миллиард) сўм.

Фаолият ихтисоси: Тадбиркорлик ва объект негизида истиқболли ишлаб чиқариш фаолиятини яратиш.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун буюртманомалар аукцион ташкилотчиси томонидан расмий иш кунлари (байрам ва дам олиш кунларидан ташқари) 2015 йил 29 январ куни соат 10:00 дан 16:00 га қадар қабул қилинади. (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат тўловини тузиладиган закалат келишувига асосан аукцион ташкилотчиси «REALTOR-CONSULTING GROUP» масъулияти чекланган жамиятининг СТИР: 207186573, ОКОНХ: 83400, МФО: 00452, ОАТБ Қишлоқ қурилиш банк Тошкент шаҳар миントақавий филиалидаги 20208000700234536001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун аукцион ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва уставнинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, шунингдек, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, унинг қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

Аукцион ўтказиш тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки қўшимча маълумотлар учун манзил ва телефон: **Аукцион ташкилотчиси — «REALTOR-CONSULTING GROUP» MChJ.**

Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Лицензия: RR 0170, тел: 8 371 233-21-18. Интернетдаги манзилимиз: www.rcg.uz e-mail: rc.group@inbox.ru, Хизматлар лицензияланган.

"Respublika mulk markazi" АЖ "Toshkent mintaqaviy filiali" бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази (Ўзгидромет)нинг 2015 йил 21 январдаги №28-Т сонли буйруғи ва 2015 йил 22 январдаги 09-34/8 сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Тўйтепа шаҳар Спорт кўчаси, 70-уй манзилида сақланаётган автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

№	Автомототранспорт воситасининг русуми	давлат рақами	ишлаб чиқарилган йили	техник ҳолати	Бошланғич баҳоси (сўм)
1.	"УРАЛ 43202"	10 827 ХАА	1990	Техник соз	166 416 200
2.	"ЗИЛ 157"	10 829 ХАА	1972	Техник соз	116 490 900
3.	"ЗИЛ 157"	10 830 ХАА	1972	Техник соз	116 490 900
4.	"ЗИЛ 157"	10 831 ХАА	1972	Техник соз	116 490 900
5.	"ЗИЛ 157"	10 837 ХАА	1972	Техник соз	116 490 900
6.	"ЗИЛ 157"	10 839 ХАА	1972	Техник соз	116 490 900
7.	"ЗИЛ 157"	10 840 ХАА	1972	Техник соз	116 490 900
8.	"УАЗ 39621"	10 536 YAA	1988	Техник соз	68 210 000
9.	"УАЗ 39621"	10 537 YAA	1987	Техник соз	68 210 000
10.	"УАЗ 39621"	10 538 YAA	1987	Техник соз	68 210 000
11.	"УАЗ 39621"	10 841 ХАА	1990	Техник соз	68 210 000
12.	"УАЗ 39621"	10 856 ХАА	1988	Техник соз	68 210 000
13.	"УАЗ 39621"	10 857 ХАА	1990	Техник соз	68 210 000
14.	"УАЗ 39621"	10 860 ХАА	1987	Техник соз	68 210 000
15.	"УАЗ 396201"	10 539 YAA	1986	Техник соз	68 210 000
16.	"УАЗ 396201"	10 842 ХАА	1989	Техник соз	68 210 000
17.	"УАЗ 396201"	10 854 ХАА	1989	Техник соз	68 210 000
18.	"УАЗ 396201"	10 859 ХАА	1989	Техник соз	68 210 000

Аукцион савдоси 2015 йил 27 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2014 йил 25 феврал куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 27 феврал куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2015 йил 6 март ва 13 март кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: 2015 йил 6 март савдолар учун 4 март куни соат 18:00; 13 март савдолар учун 11 март куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

"Савдо ташкилотчиси"га у кўрсатган хизматлари учун мулкнинг сотув нархидан жами 5 фоиз миқдорида хизмат ҳақи мулкни сотиб олган ғолиб харидор закалат пулидан ушлаб қолинади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452142, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй. Тел: 233-28-52. www.rmm.uz.

Хизматлар лицензияланган.

Ҳуқуқшунос минбари

Истиқлол йилларида юртимизда кексаларни эъзозлаш, уларга қулай шароитлар яратиб бериш бўйича катта ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан, ёши улуғ кишиларнинг тиббиёт муассасаларида даволаниши, уларни сиҳатгоҳларда дам олдириш масалаларига алоҳида эътибор берилаётир. Йилдан-йилга аҳолининг ўртача умр кўриш кўрсаткичлари ортиб бораётгани ҳам ана шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Шунингдек, пенсиялар миқдори кўпайтириб борилаётгани, уни ўз вақтида етказиб бериш бўйича маҳаллий органларга ҳукуматимиз томонидан қатъий талаблар белгиланганги нуронийларимизнинг яшаш шароитига ижобий таъсир кўрсатмай қолмайди.

ПЕНСИОНЕРЛАР МЕҲНАТИГА ОИД ҚОНУНИЙ КАФОЛАТЛАР

Меҳнат кодексининг 60-моддасига ва "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасига биноан ўн олти ёшдан бошлаб то пенсия билан таъминланиш ҳуқуқини олишгача бўлган ёшдаги фуқароларгина ишсиз деб эътироф этилиши мумкин. Демак, пенсиянинг туридан қатъи назар, пенсия билан таъминланиш (ёшга доир пенсия, шу жумладан, имтиёзли асосларда, ногиронлик пенсияси, ҳарбий хизматчиларга тайинланадиган кўп йиллик хизматлари учун пенсия) ҳуқуқига эга бўлганлар ишсиз деб ҳисобланмайди.

Шу билан бирга, бундай фуқаролар маҳаллий меҳнат органларида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатга олиниш ҳуқуқини сақлаб қоладилар. Бунда уларга қонун ҳужжатларида белгиланган барча зарур хизматлар, яъни ишга жойлашишга кўмаклашиш, ишга жойлашиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш, ногирон пенсионерларни корхоналар учун ўрнатилган энг кам миқдордаги иш жойларига юбориш каби хизматлар кўрсатилиши лозим.

Меҳнат шартномаси алоҳида асосларга кўра, яъни:

ходим янги меҳнат шартлари асосида ишлашни давом эттиришни рад этганлиги (Меҳнат кодексининг 89-моддаси);

технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги (100-модда иккинчи қисмининг 1-банди);

ходимнинг малакаси етарли бўлмаганлиги ёки соғлиғи ҳолатига кўра бажараётган ишига нолойиқ бўлиб қолиши (100-модда иккинчи қисмининг 2-банди);

мулкдорнинг алмашиши сабабли корхона раҳбари билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги (100-модда иккинчи қисмининг 6-банди);

шу ишни илгари бажариб келган ходим ишга тикланиши сабабли (106-модданинг 2-банди) бекор бўлган ҳолларда барча ходимлар сингари пенсионер бўлган ходимлар ҳам илгариги иш жойларидан Меҳнат кодексининг 67-моддаси ва "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги Қонунининг 25-моддасида белгиланган тартиб асосида қўшимча моддий мадад олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Пенсионер ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаси юқорида келтирилган ҳолатларга кўра бекор қилинганда, уларга барча ҳисоб-китоблар билан бирга бир ойлик ишдан бўшатиш нафақаси тўланади.

Агар, пенсионер ходим ишга жойлашмаган бўлса, унга иккинчи ой учун ҳам ўртача иш ҳақи тўланади.

Пенсионер ходимлар меҳнат шартномаси бекор қилингандан кейин ўн календар кун ичида маҳаллий меҳнат органларида иш қидирувчи шахс сифатида рўйхатдан ўтган бўлиб, ишга жойлаштирилмаган бўлса, уларга учинчи ой учун ҳам илгариги иш жойидан ўртача иш ҳақи тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 ноябрдаги "Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тўғрисида"ги ПФ-1289-сонли Фармони ва шу асосда ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлигида 1995 йил 20 декабрда 198-сон билан рўйхатга олинган "Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби"га биноан, ишлаётган пенсионерларга (айрим тоифадаги пенсионерлардан ташқари) пенсия 50 фоиз миқдорда тўланади.

Шунинг учун пенсионерлар билан меҳнат шартномаси юқорида қайд этилган асослар бўйича бекор қилинганда, улар ишга жойлашгунларига қадар, шу жумладан, иккинчи ва учинчи ойлар учун моддий мадад олишларидан қатъи назар, меҳнат шартномаси бекор қилинган куннинг кейинги кунидан бошлаб пенсия яшаш жойидаги пенсия жамғармалари томонидан 100 фоиз миқдорида тўланиши лозим.

З.ДАУЛЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши юридик бўлимининг етакчи юристконсулти

Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоаси Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси **Баҳодир САПАРБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Приглашение для Участия в Тендерных Торгах

Дата:	**28.01.2015 год**
Заем:	
Проект:	**Программа строительства жилья для комплексного развития сельской местности», Транш 3**
Контракт:	**Смотрите список контрактов**
Наименование:	**Смотрите список контрактов**
Крайний срок подачи конкурсных предложений:	**21 дней после публикации объявления.**

1. Правительство Республики Узбекистан получило заем от Азиатского Банка Развития (АБР) для финансирования расходов по **«Программе строительства жилья для комплексного развития сельской местности», Транш 3.** Часть средств данного займа будет использована на оплату по вышеуказанным контрактам. Конкурсные торги открыты для всех заинтересованных Участников из стран-членов АБР. Тендерные торги будут проводиться по правилам и процедурам АБР.

2. Участники торгов могут подавать свои Конкурсные предложения по одному или нескольким лотам, как указано ниже в тендерных документах. Участники могут предоставить скидку в случае присуждения одного или более контракта, при условии, что данная скидка отражена в Письме предложении.

3. ИК ООО "Кишлок Курилиш Инвест" ("Заказчик) настоящим приглашает правомочных Участников к подаче своих Конкурсных Предложений в запечатанном виде на осуществление строительства индивидуальных жилых домов ("Строительные Работ ") по контрактам указанным ниже.

4. Национальные Конкурсные Торги (НКТ) будут проводиться в соответствии с процедурой торгов АБР **«Одноэтапные: Два конверта»** и доступны для всех участников из правомочных стран, как описано в Тендерных документациях.

5. Для получения дальнейшей информации и ознакомления с тендерной документацией, участникам торгов следует связаться с организаторами конкурсных торгов — с соответствующим Территориальным консалтинговым центром по ценообразованию и конкурсным торгам по следующим адресам:

Рєспублика Каракалпакстан Адрес: г. Нукус, ул. Гарезсизлик 59а Телефон: (8 361) 222-74-12 Факс: (8 361) 222-74-12	**Андижанская область** Адрес: г. Андижан, ул. Чинабад 59. Телефон: (8 374) 226-72-02 Факс: (8 374) 226-72-02	**Бухарская область** Адрес: г. Бухара, Проспект Навои 5. Телефон: (8 365) 223-96-29 Факс: (8 365) 223-97-51
Джизакская область Адрес: г. Джизак, ул.Ш.Рашидов 63. Телефон: (8 372) 226-14-66 Факс: (8 372) 226-70-47	**Кашкадарьинская область** Адрес: г. Карши, Проспект Ханабат 46а. Телефон: (8 375) 224-05-24 Факс: (8 375) 224-09-06	**Наманганская область** Адрес: г.Наманган, ул. Навоий 22 Телефон: (8 369) 226-14-50 Факс: (8 369) 226-47-91
Самаркандская область Адрес: г.Самарканд, пл. Куксарой 2д Телефон: (8 366) 233-50-76 Факс: (8 366) 231-13-51	**Сурхандарьинская область** Адрес: г. Термиз, ул. А.Темур, 69 Телефон: (8 376) 222-44-76 Факс: (8 376) 222-44-73	**Навоийская область** Адрес: г. Навои, ул. Гвасалия-2а. Телефон: (8 436) 225-47-98 Факс: (8 436) 225-49-96
Ташкентская область Адрес: г.Ташкент, ул. Навоий 18 Телефон: (8 371) 241-15-22 Факс: (8 371) 241-15-32	**Ферганская область** Адрес: г.Фергана, ул. К.Рахимов2а Телефон: (8 373) 224-18-76 Факс: (8 373) 224-18-71	**Хорезмская область** Адрес: г. Ургенч, ул. П. Махмуд, 10 Телефон: (8 362) 224-28-41 Факс: (8 362) 224-28-41

6. В целях приобретения тендерных документов на русском языке, правомочные участники торгов должны:

- связаться или направить письмо на вышеуказанный адрес с просьбой предоставления тендерных документов по " закупке работ по строительству ___ индивидуальных домов, которые составляют Тендерный пакет № ____, в массиве _____, находящийся в __ км от села / города _____, в районе _____, _____ Области.
- Тендерные документы будут доступны заинтересованным Участникам со дня публикации **Приглашения для участия в тендерных торгах.**
- Невозмещаемую сумму оплаты за один пакет тендерных документов в размере 85000 сум РУз. следует внести на банковский счет организатора конкурсных торгов – соответствующему Территориальному консалтинговому центру по конкурсным торгам и ценообразованию. Ниже представлены их реквизиты банковских счетов:

Республика Каракалпакстан	**Андижанская область**	**Бухарская область**
Банк ОАТБ "Капиталбанк" Нукусский филиал ИНН: 202610040 Р/с: 20210000903952518001 ОКОНХ: 84500	Банк: АТ «Ипотека банк», Андижанской филиал. ИНН: 202453348 Р/с: 20212000003649944001 ОКОНХ: 84500	Банк: АТИБ "Ипотека банк" "Сардор" филиал ИНН: 202435242 Р/с: 20210000903550909001 ОКОНХ: 84500
Джизакская область	**Кашкадарьинская область**	**Наманганская область**
Банк: МБВЭД «Национальный банк», г. Джизак. ИНН: 202411803 Р/с: 20210000303757189001 ОКОНХ: 84500	Банк: ОАКБ "Узпромстройбанк" Каршинский филиал ИНН: 202453632 Р/с: 20210000903823711000 1 ОКОНХ 84500	Банк: «Асака Банк», Наманганский филиал ИНН: 202393842 Р/с: 20210000103196752001 ОКОНХ: 84500
Самаркандская область	**Сурхандарьинская область**	**Навоийская область**
Банк: АОТБ «Алоқа Банк», Самаркандский филиал ИНН: 202427054 Р/с: 20210000803783329001 ОКОНХ: 84500	Банк: ОАТБ "Хамкор банк" Термезский филиал ИНН: 202 574 427 Р/с: 2021 0000 504 272 552 001 ОКОНХ 84500	Банк: ОАКБ "Ипотека банк" Навоийский филиал ИНН: 202615785 Р/с: 20210000803903946001 ОКОНХ 84500
Ташкентская область	**Ферганская область**	**Хорезмская область**
Банк: ОАКБ «Узпромстрой банк» Ташкентский областной филиал ИНН: 300017720 Р/с: 20210000704546027001 ОКОНХ: 84500	Банк: «Асака Банк» Ферганский городской филиал ИНН: 202529457 Р/с: 20210000003767618001 ОКОНХ: 84500	Банк: ОАКБ "Ипотека банк" Хорезмский филиал ИНН: 202503592 Р/с: 20210000203755947001 ОКОНХ 84500

7. Конкурсные предложения должны быть представлены:

- По вышеуказанному адресу
- До истечения крайнего срока подачи предложения: **Согласно даты указанной в перечне Контрактов**
- Необходимо представить Декларация об обеспечении тендерного предложения как указано вТендерной документации.

Вскрытие конкурсных предложений состоится в последний день подачи заявок, в присутствии представителей участников торгов, изъявивших желание присутствовать по нижеуказанному адресу:

Совет Министров Республики Каракалпакстан Адрес: г. Нукус, ул. Гарезсизлик, 50 Телефон: +8 (361) 222-74-12 Факс: +8 (361) 222-74-12	**Хокимият Андижанской области** Адрес: г. Андижан, ул. Фитрат 239 Телефон: +8 (374) 222-26-20 Факс: +8 (374) 222-26-20	**Хокимият Бухарской области** Адрес: г. Бухара, ул. И. Муминов 1. Телефон: +8 (365) 223-11-27 Факс: +8 (365) 223-11-27
Хокимият Джизакской области Адрес: г. Джизак, ул. Ш.Рашидов 64 Телефон: +8 (372) 226-31-33 Факс: +8 (372) 226-31-33	**Хокимият Кашкадарьинской области** Адрес: г. Карши, ул. Мустакиллик майдони 1. Телефон: +8 (375) 221-03-04 Факс: +8 (375) 221-03-04	**Хокимият Наманганской области** Адрес: г.Наманган, ул. Рахимов 57 Телефон: +8 (369) 226-14-50 Факс: +8 (369) 226-14-50
